Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил — Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 5-FEVRAL, JUMA, 16 (7633) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Газ, электр энергияси, сувдан фойдаланишда учрайдиган қарздорлик балосига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилаётгани айни муддаодир.

2

Фанда маълумки, қарама-қарши зарядлар бир-бири билан бирикади, бир хил зарядлар эса бир-биридан қочади. Табиатнинг бу қонунияти суғоришда магнитдан фойдаланилса, сув ва минерал ўғитларнинг парчаланиб, экин уларни ўзлаштириши тезлашиб боради.

3

Чекмайдиган ота боласи учун ўрнак бўлса, чекувчи отанинг фарзанди кашандаликка одатдаги табиий ҳол сифатида қўникади. Аввал отаси ташлаган қолдиқларни тутатиб завқланадиган ўспирин бора-бора чекишга ўрганиб қолади.

4

Сурхондарё Вилояти

ЛИМОНЗОР МАХАЛЛАСИДАГИ ЯНГИ УЙЛАР

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Термиз туманидаги Лимонзор маҳалласида намунавий лойиҳа асосида йигирмата янги турар-жой барпо этилмоқда.

Суратда: қурувчи Хусниддин Саипов.

"Пардоз" кўп тармоқли фирмаси ишчилари янги уйларни белгиланган муддатидан аввал фойдаланишга топширишни мўлжаллаётир.

— Ўнта уч хонали, бешта тўрт ва бешта беш хонали якка тартибдаги уйлар сифатли, замонавий қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда, — дейди мазкур фирма раҳбари Нуриддин Ўтаев. — 150 нафардан ортиқ тажрибали қурувчиларимиз икки сменада меҳнат қилаётир. Шу кунларда уйларнинг том қисмини ёпиш, замонавий эшик-роллар ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

"Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институтининг лойиҳаси асосида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойлар узлуксиз электр энергияси, тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминланади. Канализация тармоқлари ўрнатилади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқларда бундай шинам, барча шарт-шароитларга эга замонавий уйларнинг бунёд этилаётгани аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг ёрқин намунасидир.

(Давоми 2-саҳифада)

Тошкент Вилояти

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, ўтган йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашган шароитда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги таъминланганлиги қайд этилди.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ — ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ТАЯНЧИ

Сарҳисоб

Маърузада мамлакатимиз иқтисодий йўналишлари таҳлил этилар экан, соҳалардаги ўсиш суръатлари яққол кўзга ташланди. Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам узоқни кўзлаган иқтисодий ислоҳотларнинг катта самара бераётганлиги қувончли ҳолатдир.

Ўтган йилда вилоятда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари ҳисобланган саноат, қурилиш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиш суръатлари кузатилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми саноатда, қишлоқ хўжалигида сезиларли даражада ўсди. Шунингдек, кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича 23,7, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 11,5 фоиз ўсишга эришилди. Иқтисодиётга киритилган сармоялар миқдори 40,2 фоиз кўпайди. Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 12,4 фоизга ошди. 2009 йили 13 та саноат корхонасида модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари бажарилиб, 47 та қўшма корхона ишга туширилди.

2009 йили кўплаб саноат корхоналарида модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари бажарилиб, ўнлаб қўшма корхоналар ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида, жумладан, бошоқли дон бўйича ҳосилдорлик 2008 йилги 17 центнердан 52 центнерга кўтарилди. Чорвачиликда наслчиликни яхшилаш учун хориждан 572 бош наслли қорамол келтирилди, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи 5 та зооветеринария пункти, 6 та асаларичилик йўналишида, 31 та паррандачилик, 21 та балиқчилик йўналишида фермер хўжаликлари ташкил этилди, 79 та замонавий иссиқхона ишга туширилди. Шунингдек, 75 та фермер хўжалигида 300 гектар ер майдонларида томчилатиб суғориш жорий этилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 1294 километр узунликдаги коллекторлар тозаланиб, бу иш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Тошкент вилоятида ҳам бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси ҳамда ана шу лойиҳалар асосида бошланган ишлар чекка қишлоқларда ҳам бунёдкорлик кенгайишига омил бўлди.

Вилоятнинг учта — Янгийўл, Бўка, Чиноз туманида 60 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши режалаштирилган бўлса, 2010 йилдан бошлаб вилоятда яна юзлаб ана шундай иморатлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

20 та қишлоқни ривожлантиришнинг бош режалари ва замонавий уй-жой қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Қишлоқ аҳолисига шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида якка тартибда уй-жойлар қурилишида 34677,2 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Ёш оилаларга ҳамда фермер хўжаликлари аъзоларига замонавий уй-жойлар қурилишига 1 миллиард 221 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Бу ишлар 2010 йил давомида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бўка, Чиноз, Янгийўл туманларида қурилаётган замонавий уйлар Наврўз байрами арафасида ўз эгаларига топширилади. Шунингдек, 2010 йили 15 та туманда 635 оилага барча қулайликларга эга замонавий уйлар қурилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Кунниг муҳим воқеалари

▶ Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида истеъмол товарлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Наманган ва Андижон вилоятларидан юзга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қўшма ва хорижий корхоналар вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

▶ **Тошкент вилоятининг Пскент туманидаги Дўнгқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 36-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

▶ Жиззах туманидаги "Жиззах олмачи" фермер хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш линияси ишга туширилди. Бир кеча-кундузда икки тонна ўрик, олма, шафтоли, узум ва бошқа мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватига эга корхонада қирқдан зиёд доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

НАВОИЙДА НАВОИЙХОНЛИК КУНЛАРИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги арафасида юртимизнинг ҳар бир бурчида, хусусан, Навоий вилоятида ҳам шу санага оид тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Пурвиқор қорли чўққилари осмонга туташган Оқтов ён бағирларида ва бепоён Қизилқум бағрида ястанган шаҳарлару қишлоқларда, овуллару қўрғонларда Навоий ижодига бағишланган семинарлар, ғазалхонлик мушоиралари уюштирилмоқда. Олийгоҳлар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда, ишлаб чиқариш корхоналари ва меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган ижодий кечаларда навоийшунос олимлар, шоирлару адиблар фаол иштирок этаётир.

Навоий шаҳридаги Ахборот-ресурс марказида бошланган "Навоийни севган ёшлар" деб аталган кўргазмали семинар ҳам барчада катта таассурот қолдирмоқда. Қўлига эндигина мўйқалам тутаётган ёш мусаввирлар чизган суратларда, ёш ҳайкалтарошлар ясаган миниатюралар, ҳайкалчалар ва сопол буюмларда, каштачи қизлар яратган сўзаналарда Алишер Навоий достонларининг қаҳрамонлари акс эттирилган. Қисқа кўринишли саҳна асарларида эса Навоий достонларидан парчалар бўлғуси актёрлар томонидан ижро этилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими ва қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган бундай тадбирлар вилоятнинг кўплаб туманлари ва шаҳарларида давом эттирилмоқда.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қуш ва парранда лар ривожи учун қулай муҳит

Бунда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти катта

Дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, мамлакатимизда ҳам 2 февраль Сув ва ботқоқли ҳудудлар халқаро куни сифатида кенг нишонланади. Негаки, ушбу санада Рамсар конвенцияси деб аталадиган Сув-ботқоқ ҳудудлар экотизимини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция имзоланган. Унга 159 та давлат, жумладан, мамлакатимиз ҳам аъзо бўлган. Ўтган даврда Бухоро вилоятидаги Денгизкўл халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудлари рўйхатига киритилди.

2008 йили конвенция котибияти томонидан Айдар-Арнасой кўллари тизимига "Халқаро муҳофаза этиладиган кўллар" мақоми берилди. Айни пайтда Тўдакўл ва Қуйимозор кўлларига ҳам муҳофазаси халқаро аҳамиятга эга ҳудуд мақоми берилиш арафасида.

Бундай ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилишининг боиси шундаки, сув ва ботқоқ шароитига мослашган ўсимлик олами ниҳоятда бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур ҳудудлар кўчиб юрувчи қушлар учун қулай истиқомат манзили сифатида ҳамда экотизим барқарорлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Юртимизда қушларнинг 463 тури бор. Уларнинг 48 тури камёб ҳисобланади. Мамлакатимизда орнитофаунанинг ривожига қулай шароит бор. Мавжуд 505 дан зиёд сув омбори, 500 га яқин кўлларда қушларнинг 37 тури қишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган "Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлашда сув-ботқоқлик ҳудудларининг аҳамияти" мавзусидаги матбуот анжуманида ана шу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Сув ҳавзалари назорати органлари, Фанлар Академиясининг соҳага тегишли институтлари вакиллари иштирок этган анжуманда юртимизда экотизим барқарорлигини сақлаш, хусусан, орнитофауна ривожига қаратилаётган ишларнинг самара бераётганлиги қайд этилди. Сув-ботқоқли ҳудудлар муҳофазаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бойитиш хусусида мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Айниқса, Оролбўйида ушбу ишларни жонлантиришга қаратилаётган эътибор кўпчиликни қизиқтирди.

Мутахассислар муҳокамасида сув ҳавзалари, сувли-ботқоқли ҳудудларда биохилма-хилликни сақлашга жамоатчилик эътиборини қаратиш лозим дейилди. Бу жараён, айниқса, болалар, ёшлар ўртасида муҳимлиги қайд этилди. Шу мақсадда ташкил этилган "Биохилма-хиллик болалар нигоҳида" экофорумининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

Самарқанд шаҳридаги "ELXOLDING" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида экспортбоп материаллар тайёрланмоқда.

«ELXOLDING» — экспортбоп маҳсулот чиқармоқда

Компанияда Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазирликлари ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази буюртмалари бўйича тайёрланаётган ўқув-лаборатория жиҳозлари, мебеллар ва кўргазмали қуролларнинг сифати халқаро талаблар даражасида экани эътиборга моликдир.

Ушбу компанияда ҳозирда 650 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Яна ўнлаб янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш борасида изланишлар олиб борилаётир.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ – ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ТАЯНЧИ

(Боши 1-саҳифада)

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида Оҳангарон туманида цемент, Зангиотада замонавий том ёпиш материаллари, Чирчиқда пластик материаллари, Паркент туманида ғишт ишлаб чиқарувчи 4 та корхона ҳамда яна 9 та бошқа қурилиш материаллари дўконлари ишга туширилди.

— Бугун қишлоқларимизда янги уй-жойлар, маданий-маърифий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қурилаётгани қувонарлидир, — дейди Ангрендаги Облиғ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Б.Шокирова. — Замонавий услубда, сифатли қурилиш материалларидан барпо этилаётган файзли ва обод уйлар қишлоқларимиз чиройига чирой қўшаётир.

Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг узвий давоми бўлган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"да кўзда тутилган чора-тадбирларга кўра Тошкент вилоятида 2009 йили 175 та мактабда қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилганлиги эътиборга молик.

Халқ таълимини ривожлантириш мақсадида йўналтирилган маблағлар ўтган йили 216,3 миллиард сўмга етди. Шу маблағ тўлиқ молиялаштирилиб, мактаб таълими жамғармасидан қўшимча яна 46,9 миллиард сўм ажратилди. Буларнинг барчаси мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилмоқда. Мактаб таълими тизимининг замонавий талабларга, давлат таълим стандартларига жавоб берадиган ўқув-моддий базаси барпо этилмоқда. Энг чекка қишлоқларда ҳам фарзандларимизнинг пухта таълим олишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиляпти.

Янги қурилган 12 та мактабда қурилиш ишлари тугалланди. Бекобод туманидаги 54-, Оққўрғон туманидаги 9-мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, Давлат умуммиллий дастури доирасида таъмирланаётган умумтаълим мактаблари компьютерлар ва бошқа замонавий ахборот воситалари, физика, биология, химия лабораториялари, "Маънавият ва маърифат" хоналари, кутубхоналар зарур ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан таъминланди. 2009 йилнинг ўзида 72 та мактаб замонавий компьютер техника воситалари билан жиҳозланди. Уларнинг 62 таси қишлоқларда жойлашган.

Ижтимоий соҳанинг яна бир муҳим йўналиши — соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган "Саломатлик-2" лойиҳасига Тошкент вилоятидан 199 та қишлоқ врачлик пункти, туман марказий шифохоналари лабораториялари, туман ва бошқа тиббиёт муассасалари киритилган бўлиб, 2009 йили 3 миллиард 280 миллион сўм маблағга тиббий анжомлар олинди. Шу дастур доирасида қиймати 1 миллиард 120 миллион сўм турувчи, таркибида темир моддаси бўлган 621608 дона "ФЕРРОНАТ" препарати шаҳар ва туман марказий шифохоналарига тарқатилди.

Қибрай туманидаги "Milk Heaven Biznes" МЧЖ ҳузурида фермер хўжалиги ташкил қилинган бўлиб, сигирлардан соғиб олинган сут шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Қатиқ, йогурт, творог, сметана, жами ўн турдаги сут маҳсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

Суратда: ишчи Раъно Йўлдошқулова.

А.ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Осиё Тараққиёт Банкининг "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 21 та туман ва шаҳар туғуруқ комплексларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси бўйича эса тиббиёт соҳасига қарийб 1,8 миллиард сўмлик жиҳозлар ажратилди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти қишлоқ фуқаролар йиғини биносини қайта қуриш ҳисобига ташкил этилди. Таъмирлаш ишлари ҳомийлар томонидан амалга оширилди. Пскент туманида қуриб битказилган ҚВП ҳозирги кунда 3800 аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҚВП яқинида шу ерда ишлаётган шифокорлар учун уй-жойлар қурилмоқда.

Президентимизнинг "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган вазифаларга асосан ёқилғи-энергетика, кимё, нефть ва газни қайта ишлаш, металлургия соҳаларида, енгил ва тўқимачилик саноатида, қурилиш материаллари, машинасозлик соҳаларида катта лойиҳаларни амалга оширишга киришилмоқда.

Юқорида қайд этилган рақамлар таҳлили мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби пойтахт вилоятида ҳам иқтисодиётни ривожлантириш орқали ижтимоий соҳаларни тараққий эттиришга, шу асосда халқ турмуш даражасини оширишга мустаҳкам замин қўйилаётганлигини кўрсатади.

Раҳимжон ОРИПОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги Матбуот хизмати раҳбари.

Самарқанд Вилояти

2009-2010 ўқув йилида Президент стипендиясига сазовор бўлганлар орасида Самарқанд давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факультети 4-босқич талабаси Аброр Раҳимов ҳам бор. У ўзининг билими ва илмий изланишларини хорижий тилларни ўрганишга бағишлаётган ёш иқтидор соҳибларидан бири. Инглиз филологияси факультетига ўқишга киргач, олий таълимнинг дастлабки йилларидан бошлаб, илмга ва хорижий тилларни чуқур ўрганишга ҳамда жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошларига ўрнак бўлишга интилди.

ИҚТИДОР, ИНТИЛИШ – ИЛМ КАЛИТИ

Иқтидорли талаба мутахассислиги бўйича ўқиш билан бир қаторда "Инглиз ва ўзбек тиллари лексик тизимида иккиламчи бирликларнинг юзага келиши" мавзусидаги бакалаврлик иши устида изланишлар ҳам олиб бормоқда. Дастлабки ютуқлари боис 2008-2009 ўқув йилида Навоий номидаги Давлат стипендиясига сазовор бўлган эди. Амалдаги ўқув йилида эса Президент стипендиясига лойиқ деб топилди.

— Бахтли йиллардан бири эканлигимдан фахрланаман, — дейди Аброр Раҳимов. — Илм олишимиз, касб-ҳунар ўрганишимиз учун юртимизда барча шарт-шароит муҳайё этилган.

— Интилувчан талаба "Паронимия ҳодисаси ва унинг тил системасида тутган ўрни", "Мураккаб қурилмаларнинг тил ва нутққа муносабати", "Тил тизимининг фалсафий талқини" каби бир қатор мақолалари билан турли илмий-амалий конференцияларда фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди унинг илмий раҳбари, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори Шаҳриёр Сафаров. — Эътиборли томони, Аброр Раҳимовнинг асосий мутахассислиги инглиз тили бўлсада, француз, турк, араб ва рус тилларини чуқур ва пухта ўзлаштириб олган.

Бундан ташқари, "Ўлим истаги" ва "Дангаса Сюзан" номли ҳикояларни инглиз тилидан таржима қилиб, нашрдан чиқарди. Шунингдек, институтда ташкил этилган "Парнас" ва "Нотиқлик" талабалар ижодий клуби аъзоси ҳамда "Заковат" интеллектуал клубига сардорлик қилади.

Мамлакатимизда ёшларга яратиб берилган барча шарт-шароит ва имкониятларнинг яққол самарасини Аброр Раҳимов мисолида ҳам кўриш мумкин. Баркамол авлод йилида эса бу борадаги ишлар кўлами янада кенгроқ қулоч ёяди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЛИМОНЗОР МАҲАЛЛАСИДАГИ ЯНГИ УЙЛАР

(Боши 1-саҳифада)

— Уйларнинг томини черепица билан ёпмоқдамиз, — дейди дурадгор Комил Хўжанов. — Ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олиб, томларга ҳавони мўътадиллаштириб турадиган керамзит материали ҳам тўшалмоқда. Энг муҳими, фойдаланилаётган барча қурилиш материаллари экологик тоза бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

— Лимонзор маҳалласида янги уйлар қурилаётганини эшитиб, уч хонали уйга буюртма бердим, — дейди Гулчеҳра Дониева. — Уйнинг қурилиши учун бошланғич бадални тўладим ва менга "Қишлоқ қурилиш банк"нинг вилоят филиалидан узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилди. Бугун уйнинг қурилиши билан танишиш учун келдим. Барча ишлар сифатли олиб борилаётганини кўриб қувондим. Хоналар кенг ва шинам. Шаҳардаги уйлардан фарқи йўқ. Янги уйга кўчиб ўтгач, катта ўғлим Муҳиддинжонни уйлантириб, қўшалоқ тўй ўтказишни ният қилиб турибмиз.

Бугунги кунда Тошкент-Термиз автомагистрали бўйида бунёд этилаётган якка тартибдаги намунавий уйлар учун ўн гектар ер майдони ажратилган. Айни пайтда 1,2 гектар майдонда замонавий уйлар бунёд этилаётир, жорий йилда яна 2,4 гектар майдонда қирқта янги турар-жой қурилиши бошланади. Ҳудуднинг бош режасига мувофиқ, бу ерда турли маданий-маиший бинолар, савдо нуқталари, болалар боғчаси ҳам қад ростлайди. "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Сурхондарё вилояти филиалидан олинган маълумотларга кўра, аҳолидан янги қуриладиган уйлар учун қўплаб буюртмалар тушмоқда ва бошланғич бадал шакллантирилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ШАРОИТЛАР ШАҲАР БИЛАН ТЕНГЛАШМОҚДА

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Қораўзак туманидаги «Қораўзак» қишлоқ врачлик пунктининг мудираси Рамиза Сапарниёзова учун унутилмас йиллардан бири бўлди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари инобатга олиниб, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланди.

Андижон давлат тиббиёт олийгоҳини тугатиб, меҳнат фаолиятини Нукус шаҳридаги республика болалар касалхонасида бошлаган Рамиза Сапарниёзова 1997 йилдан буён «Қораўзак» қишлоқ врачлик пункти мудираси бўлиб ишлаб келмоқда.

Ўз соҳаси билимдони бўлган Рамиза опанинг қисқа вақт ичида қўлга киритган ютуқлари талайгина. У Эстония Республикасининг Тарту шаҳрида малака ошириб қайтди. 2007 йили Халқаро "Экосан" хайрия жамғармаси томонидан ўтказилган танловнинг "Энг намунали оилавий шифокор" йўналишида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ғолиб бўлди.

— Бугунги кунда қишлоқ врачлик пунктларидаги шароитлар шаҳар касалхонаси имкониятлари билан тенглашиб бормоқда, — дейди Рамиза Сапарниёзова. — Чунки мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган исталаҳлар натижасини бермоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари бўйича қишлоқ врачлик пунктлари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Ўзим меҳнат қилаётган «Қораўзак» қишлоқ врачлик пунктида ҳудуддаги 1866 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Шундан 348 нафари 14 ёшгача бўлган болалар, 115 нафари ёш ўсмирлар, 447 нафари туғиш ёшидаги аёллардир. 2003 йили бизнинг қишлоқ врачлик пунктимизга ҳам "Саломатлик-1" лойиҳаси асосида замонавий асбоб-ускуналар олиб келиниб ўрнатилди. Натижада қишлоқ аҳолиси олдинги йиллардагидек туман марказига қатнаб юрмасдан, шу ернинг ўзида керакли муолажаларни олиш имкониятига эга бўлдилар.

Айни кунларда фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлишини таъминлаш, қизларни оила қуришга тайёрлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда, ўқув юртларида ҳамда меҳнат жамоаларида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Фарҳод БОЙМУРАТОВ олган сурат.

Хабарлар

Сирдарё Вилояти

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Бахт шаҳридаги "Ўзбекистон-Россия-Беларусь" қўшма корхонаси техника воситалари учун зарур бутловчи қисмларни Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари фермерларига етказиб бермоқда. Эндиликда бу ерда ўғит сепадиган, ғалла экадиган мосламалар ҳам ишлаб чиқариляпти.

Янги мосламалар анча арзон бўлиши баробарида иш унумдорлиги юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, трактор тиркаладиган ўғит сепиш мосламаси такомиллаштирилган ва автоматик кўтарилиш-туширилиш хусусиятига эга. Унга бир йўла 500 килограмм ўғитни жойлаш мумкин. Пуркагич мосламаси эса 20 килограмм азотли ўғитни бир гектар майдонга сепа олади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро Вилояти

БИОУСУЛ – КОНИ ФОЙДА

Бухоро вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори Санъат ҲИКМАТОВ билан суҳбатимиз биологик усулда ишлов бериш хусусида бўлди:

— Вилоятимиз миқёсида мана бир неча йилдирки, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашиш биологик усулда амалга оширилмоқда. — Бу усулга фермерларимиз катта ишонч билан қарашмоқда. Янги биофабрика ва биолабораториялар қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Маълумотларга кўра 1 гектар майдондаги ғўза ширасига қарши бир марта кимёвий ишлов бериш учун ўртача 40-50 минг сўм атрофида харажат қилинади. Биологик усулнинг сарф-харажати эса бор-йўғи 2 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, фойдали ҳашаротлар самарадорлик жиҳатдан ҳам таҳсинга лойиқ. Масалан, бир дона олтинкўз бир кеча-кундузда 300 тагача ғўза трипсини йўқотади.

Айни кунда вилоятда 44 та биолаборатория мавжуд. Уларда бу йил 850 килограмм трихограмма, 235 миллион дона бракон, 240 миллион дона олтинкўз каби фойдали ҳашаротлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, деҳқонларга камарбаста бўлиш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

ЭКОЛОГИК ТОЗА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Юртимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса, қишлоқда фермерлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши — унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Вилоятда истеъмолчиларга сифатли сут ва сут маҳсулотлари етказиб бераётган кичик корхоналар сони ўтган йилнинг ўзида яна йигирматага кўпайди. Ана шулардан бири Хатирчи туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Мақсад" фермер хўжалиги ҳамкорлигида ташкил этилган Навоий шаҳридаги "Кармана сут" ишлаб чиқариш корхонасидир. Тадбиркор Маҳмуджон Бопилов ташаббуси билан "Агробанк"нинг 50 миллион сўм миқдордаги кредити, фермер хўжалиги ва "Кармана сут" корхонасининг маблағлари ҳисобидан сутни қайта ишлайдиган хориж ускуналари келтириб ўрнатилди. Натижада бу заводда бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайта ишлаш имкони яратилди. Саккиз нафар ёшлар иш билан таъминланди.

"Мақсад" ёрлиқлари билан ишлаб чиқарилаётган экологик тоза сут ва сут маҳсулотлари болалар муассасаларига, мактаблар, шифохоналар ҳамда ички бозорга етказиб берилмоқда.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

«...ҚАРЗИНГ БЎЛМАСИН»

Солиқ

Халқимизнинг ифтихор туядиган, ғурурланадиган маънавий бойликлари, анъаналари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ҳар бирида асрлар тажрибаси мужассамланган ҳикоят, ривоят, мақолларимиз бор. "Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин", деган ўгитни олайлик. Унда қанчалар катта мазмун, огоҳлик мужассам. Ҳа, ота-боболаримиз қарз хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин унга ҳаётда учрайдиган иллат сифатида қарашган.

Айниқса, газ, электр энергияси, сувдан фойдаланишда учрайдиган қарздорлик балосига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилаётгани айни муддаодир. Муддати ўтган қарзларни йиғиш, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўла тушишини назорат қилиш солиқ органлари зиммасига юклатилган.

Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари билан узвий ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирлар туфайли бу борада бир қадар ўзгаришлар юз бераётир. Қарздор истеъмолчилардан қарзлар ундириб олинмоқда. Қарздорлигини мажбурий тартибда ундириш учун ҳужжатлар вилоят хўжалик судига тақдим этилмоқда.

Ўтган йил давомида қарздорлик миқдори камайган бўлса-да, умуман олганда, амалга ошириладиган ишлар ва эришилаётган натижалар талаблар даражасида деб бўлмайди. Вилоятда электр энергиясидан фойдаланадиган юридик шахслар сони 7729 тани ташкил этади. Улардан 3497 та корхона ҳисобига дебитор қарзлар 14 миллиард 852,5 миллион сўмни, 2786 корхонанинг муддати ўтган қарздорлиги эса 7 миллиард 857,3 миллион сўмга тўғри келади. Ширкат хўжаликлари, МТПлар, коммунал хўжалик бошқармалари, иссиқлик манбаи корхонаси каби ташкилотлар ҳамон қарздорликда "илғор"ликни қўлдан бермаётирлар. Шаҳрисабз ва Миришкор туманларида қарздорлик миқдори камайиш ўрнига, аксинча, ортиб боряпти.

Баъзи корхоналарда қарзларни ўз вақтида узиш чораларини кўриш ўрнига электр қувватидан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари учрамоқда.

Ота-боболаримиз бежизга бизни: "Қарз дарддан ҳам ёмон", деб огоҳлантиришмаган. Шундай экан, ундан вақтида қутулиш чора-тадбирларини излаш керак, токи қарз бедаво дардга айланмасин.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Рашид Галиев олган сурат.

Навоий вилояти

Томдилик чўпонлар матонати

Қизилқум сахросининг чекка ҳудудида жойлашган Томди туманидаги "Бирлик" қоракўлчилик ширкат хўжалиги узоқ тарихга эга. Кўпчилик бу гўша ҳақида гап кетса, Ўтемурод деб тилга олишади. Боиси, туман миқёсида Ўтемурод овулининг салоҳияти бор. Истиқлол йилларида гўшанинг донғи чиққан чорвадори Серикбой Сагатов кўксини юксак унвон — Ўзбекистон Қаҳрамони юлдузи безади. Бу эса ўтемуродлик соҳа билимдонлари кўксини тоғ қадар кўтарди.

Ҳозир бу ерда 100 нафардан ортиқ чўпон-чўлиқ истиқомат қилади. Мавжуд фермалардаги отарларда сурув ортидан юрган тажрибали чўпонлар Нуржон Сагатов, Йўлдош Бегмановлар соҳа ривожига сезиларли ҳисса қўшишмоқда. 2010 йилда Ўтемурод қўрғонида замонавий қишлоқ врачлик пункти ҳамда 2 та тик қудуқ фойдаланишга топширилди. "Чегир" кичик корхонасида чўпонлар учун иссиқ кийим, кўрпа-тўшак тайёрланмоқда.

Томди туманидаги "Керегетоу" хўжалиги сахро ўртасидаги жажжи овул. Бу ерни манбаларда Керегетов, маҳаллий аҳоли тилида Керет дейишади. Кичик овул атрофини унча баланд бўлмаган тоғлар ўраб туради. Текис йўлларда оёққа ёпишмайдиган қум зарралари учраса, бир томонда сирли ва мўъжизавий тоғлар салобати ҳам кишини ажаблантиради.

Керегетовлик чорвадорлар 557 минг гектар яйловга эга. Тошқудуқ, Бегимбой, Жириқ фермалари чўпон-чўлиқларнинг қадрдон гўшасига айланган. Кейинги йилларда чорвадорлар қўйчилик билан бирга туячилик соҳасини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор беришмоқда. Бу йилги қўзилатиш мавсумида 10 минг 457 бош совлиқларнинг қўзилаши кутилмоқда. Хўжалик раҳбари Бовуржон Серсеновнинг таъкидлашича, овулни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Ҳозирда бу ерда кўп миллат вакиллари аҳил-иноқ умргузаронлик қилишмоқда.

Олис Томди яйловларида азал-азалдан обиҳаётнинг ҳар бир томчиси қадрланган. Ҳозирги Керизбулоқ овули, яъни қўрғонида серсув, зилол булоқлар сероб бўлган. Оқсоқолларнинг сўзларига қараганда булоқларни бирлаштириш мақсадида кориз қазилган. Шу кунларда хўжаликнинг 26 отарида 52 чўпон-чўлиқ қўй боқади. Жамоанинг мавсумий юмушларида Толғот Меликулов, Сайдулла Тўлепов, Омонтой Давонов сингари бош чўпонларнинг хизматлари катта бўлаётир. Улар кориз, жой номи билан боғлиқ қўплаб қизиқарли ҳикоя ва ривоятларни яхши билишар экан. Сувлар бирлашган жойни барака, тўкинлик овули деб аташади. Қолаверса, бу фикримизнинг исботини Керизбулоқдан унча узоқ бўлмаган жойда Довутота зиёратгоҳи борлиги ҳам исботлайди.

Олис ҳудудларда

"Жанги чорва" ширкат хўжалигининг раиси Мурод оға Абдазовнинг сўзларига қулоқ тутамиз.

— Бу овул чорвадорларини сув муаммоси қийнайди. Хўжаликнинг 10 та отаридаги чорва техника ёрдамида обиҳаёт билан таъминланади. Уларга бориш 50, келиш эса яна 50 чақирим масофани ташкил қилади. Бундан ташқари, ширкатдаги 22 та отарга ҳар 10 кунда техника воситасида ичимлик суви элтиб берилади. Ушбу отарларга бориб-келиш учун 70 чақиримдан узоқ йўл босишга тўғри келади. Қудуқлардаги сув чиқариш ускуналари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Айниқса, сув чиқарадиган Зид мотори, лентага эҳтиёж катта. Шунингдек, хўжалик равнақи учун ўта зарур бўлган ветеринария врачи, зоотехник ҳамда бошқа соҳалар бўйича мутахассислар зарур. Истагимиз — ёшларимиз чўл машаққатларига бардош бериб, овул равнақига ўз билимлари билан ҳисса қўшишса. Хўжаликнинг Кусбегет, Сайкон сингари яйловларида сурув ортидан юрган Бақтберган Арабоев, Нуран Алибоев, Алихон Мусаев сингари чўпонлар чорва бош сонини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

Рустам Тўяқбоев раҳбарлик қилаётган Жабай Балиманов номли қоракўлчилик хўжалигини қаҳрамонлар етишиб чиққан жой дейишади. Сабаби, бу гўша эл-улус назарига тушган Жабай Балиманов, Байтилеу Айтбанов, Шектибай Сарсенбаев, Қалимбет Қостемиров, Турдибек Баишев сингари қаҳрамон чўпонларга макон бўлган. Улар ўзларининг бутун умрини чўпонликнинг сермашаққат, фидойи юмушларига бағишлашди. Улар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ширкат марказида Жабай Балиманов музейи ташкил қилинган. Бу ерда Томди чорвачилик мактабини яратган кўплаб фидойи инсонлар ҳақидаги маълумотлар билан танишасиз. Экспонат ва турли хил буюмларни томоша қилиб, тарихда фидойилик кўрсатган чўпончўлиқлар матонатига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Хўжаликда шу кунларда 39 минг 638 бош қўй боқилмоқда. Уларнинг сони 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 1888 бошга кўпайган. Бу Шамсиддин Бўкирбоев, Данагул Тоғаева, Жонкелди Сайтеков, Булатбек Танжариков, Қаланбай Алдияров сингари чўпонларнинг меҳнати туфайлидир.

Томди туманидаги "Томди" наслчилик ширкат хўжалигида шартнома шартларини уддалаб, ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариб, эл-юрт маъмурчилигига ҳисса қўшиб келаётган чўпонлар сони кўпайиб бормоқда. 2009 йил якунлари бўйича хўжаликда чўпончўлиқларга 8585 бош қўзи мукофот тариқасида тарқатилди. Бош чўпонлар Кенгесбек Хўжагелдиевга 300 бош, Естой Бозорбоевга 272 бош, Қидир Турмановга 178 бош шундай қўзи берилган. Бунга йил давомида берилган бошқа мукофотларни қўшиш мумкин. Шу сабабдан хўжаликда қўй-қўзиси ортиб бораётган чўпонлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

— Кейинги йилларда хўжаликда чўпонлар иқтисодий манфаати асосий эътиборимизда бўляпти. Шу сабабли, аҳолини иш билан таъминлаш, касаначилик ҳам ривож топмоқда, — дейди ширкат раҳбари Аналбек Жарлиқапов. — Бу борадаги режаларимиз келгусида ҳам улкан. Ниятимиз овулимизни янада ривожлантириш.

Афсоналарда айтилишича, бир пайтлар чўлларда сув танқислиги бошланган экан. Лекин Томдибулоқ суви ҳеч тугамас эмиш. Саҳродаги катта қурғоқчилик даврида ҳам бу ердаги аҳоли, тирик жониворлар томиб турган Томдибулоқ сувидан баҳраманд бўлишибди. Саҳро бағридаги бу маконнинг тарихи шундай афсоналарга, бугуни эса ажойиб ўзгаришларга бой, эртаси янада порлоқ.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон вилояти

Сувни магнит билан ионлаштириш самараси

Бу усул андижонлик олимлар тадқиқотлари ва деҳқонлар тажрибасида ўз ифодасини топмоқда

Айрим кашфиётларнинг дунёга келишига одамлар назарида оддий бўлиб кўринган нарсалар туртки бўлади. Сувни магнит билан ионлаштириш усулида экинларни суғоришнинг ҳосилдорликни кескин ортишига сабаб бўлиши ҳам амалиётда Бахтиёр Йўлчиевнинг ўз томорқасида ўтказган тажрибасида ҳақиқатга айланди. У дастлаб томорқасидаги сабзавотларни суғориш чоғида ариқча бошига магнит ташлаб қўйди. Ери, суви бир бўлса-да қўшнисиникида экилган сабзавотлардан ўзиникида экилганлари салкам икки ҳисса кўп ҳосил берди. Бу тажрибага қизиқиб қолган тадқиқотчи-биолог бошқа экинларни ҳам шу усулда суғориб кўрди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Фанда маълумки, қарамақарши зарядлар бир-бири билан бирикади, бир хил зарядлар эса бир-биридан қочади. Табиатнинг бу қонунияти суғоришда магнитдан фойдаланилса, сув ва минерал ўғитларнинг парчаланиб, экин уларни ўзлаштириши тезлашиб боришидан воқиф бўлган тадқиқотчилар астойдил ҳаракат бошлашди.

Ўсимлик сувда эриган озуқаларни илдизи орқали қабул қилади. Тупроқнинг қайси заряд заррачаларига эҳтиёжи кўпроқ бўлса, ўшани тез ва осон ўзлаштиради. Натижада у яхши ривожланади. Ҳосил тугунчаларини кўпроқ ушлаб қолишига шароит туғдиради.

Томорқада бошланган тадқиқотлар 2008 йили биринчи марта Марҳамат туманидаги "Баҳорий девони" фермер хўжалиги экинзорларида давом эттирилди. Беш гектарли, насослар ёрдамида сув келтириладиган адирли майдонга чигит экилади. Биринчи суғориш чоғидаёқ магнит қўйилади. Парвариш давомида уч марта шу усулда суғорилади. Ҳар сувдан сўнг ғўзанинг бўйбасти ўсиб, шохлаши, ҳосил тугунчалари тугиши тезлашади. Кўсакларнинг йириклиги, шохларда уларнинг деярли бир хиллиги таъминланди. Бу майдонда кўсак ёнма-ён жойлашган пайкалдагига нисбатан 15 кун аввал очилади. Биринчи теримнинг ўзидаёқ адирлик ернинг ҳар гектаридан 34 центнердан биринчи навли ҳосил олинди. Ўзлаштирилганига 40 йил бўлган адирликда бу қадар юқори ҳосил олинмаган эди. Ҳатто, вилоятнинг ер унумдорлиги юқори бўлган туманларида ҳам биринчи теримнинг ўзидаёқ 34 центнердан ҳосил олиш камёб ҳодиса ҳисобланади. Орадан йигирма кун ўтгач, иккинчи терим ўтказилди. Натижада ҳосилдорлик 40,4 центнерни ташкил этди.

Тупроғи ҳолати, ғўза нави, ўғит таъминоти ва суғориш имкониятлари бир хил бўлган, суғориш анъанавий усулда амалга оширилган қўшни "Омадли қўшчинор" фермер хўжалигида ҳосилдорлик 27,5 центнер бўлса, "А.Ботиров" фермер хўжалигида эса шартномадаги режа бажарилмай қолди.

Бошланган тажриба натижаси қувонарли бўлганидан кўнгли тўлган Бахтиёр Йўлчиев қишлоқ хўжалигининг тажрибали мутахассисларидан бири Одилжон Абдураимов билан ҳамкорликда бу хайрли ишни давом эттирди. Эндиги вазифа — магнит ёрдамида суғоришни ғаллачиликда синаб кўриш эди. Тадқиқотлар вилоятнинг чўл тумани — Улуғнорнинг "Сарварманд" фермер хўжалиги ғаллазорларида давом эттирилди. Бу усулнинг афзаллигини яна ҳам аниқлаш мақсадида тупроқ унумдорлиги жуда паст бўлган қумликлардан иборат 20 гектарли майдонга 23-24 октябрь кунлари буғдойнинг биринчи репродукцияли "Крошка" нави уруғи сепилди. Қисқа оралиқда ўқариқлар олиниб, магнит билан суғорилди. Ғалланинг туплаши одатдаги усулда суғорилган ғаллазорга нисбатан 9 кун аввал бошланди. Экиннинг қалинлиги эса кишини ҳайратлантирарди. Фермернинг тажриба ўтказилган ғаллазорларининг ҳар гектаридан 79,7 центнердан ҳосил олинди.

Ўрим-йиғимни бевосита кузатган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси масъул ходимлари ҳам чўл шароитидаги бундай юқори ҳосилдорликка эришишда магнит билан суғориш усулининг афзаллигига ишонч ҳосил қилдилар.

Биз 2008 йилда пахтачилик ва ғаллачиликда амалда бу

усулнинг афзалликларини илк бора синовдан ўтказган иккита фермер хўжаликларида эришилган натижалар хусусида қисқача баён этдик, холос.

Одилжон Абдураимов, Бахтиёр Йўлчиевлар ҳаммуаллифлигидаги "Экинларни суғоришда магнит қўллашнинг афзалликлари" рисоласи Андижон вилоятида бу усулдан фойдаланиб эришилаётган натижалар ҳақида батафсил маълумот беради. Ҳақиқатан, бир қатор илмий марказларда экинларни суғоришда магнит қўллаш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича технологиялар ишлаб чиқилди ва деҳқончиликда қўлланилмоқда. Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Одилжон Абдураимов ва вилоят прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Йўлчиевлар минтақада биринчи бўлишиб 2008-2009 йиллар давомида экинларни суғоришда магнитни қўллаш борасида тажрибалар олиб боришди. Тажриба ва натижалар бу усулнинг афзаллигини кўрсатмоқда. Ўтган йили 40 дан ортиқ фермерлар шу усулдан фойдаланди. Уларнинг натижалари иқтисодий таҳлил этилганида ушбу янгиликнинг келажаги борлиги аён бўлди. Вилоятдаги ўнлаб фермерлар ўтган йилдан магнит усулини қўллаб, картошка, сабзи, пиёз, тарвуз, маккажўхори, озуқа қизилчаси, беда, қунгабоқар, соя экинларини парвариш қилишди. Ҳосилдорлик анъанавий усулда парвариш қилинганига нисбатан анча юқори бўлди.

Муҳтарам Президентимиз эътирофига сазовор бўлган Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув", Олтинкўл туманидаги "Намуна гулшани" фермер хўжаликларида эришилган натижалар ҳам ушбу илғор усулни қўллаш шарофати билан қўлга киритилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Рисолани ўқиб, суғоришда магнитдан фойдаланиш усули жуда содда ва қулайлиги, сув ва тупроқнинг самарадорлигини ошириш шундоққина кўриниб турганлиги билан зироатчилигимизга, бободеҳқонлар тажрибасига тез сингиб кетишига ишонч ҳосил қилдик.

Муаллифларнинг изланиш ва тажрибалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, илм-фан ютуқлари фермерларга яқиндан ёрдам беришга қолмай, хўжаликларни иқтисодий барқарорликка олиб келиши, экологик тоза маҳсулотлар яратилиши ва минерал ўғитлар меъёрлардан ортиқча ишлатилмаслигини таъминлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бир қатор мамлакатларда экинларни, боғ-роғларни суғоришда магнит турли усулларда қўлланилади. Олиб борилаётган тажрибалар ҳам хилма-хил. Масалан, Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатларда сув айнан магнитлар орасидан ўтказилгач, дон ва пахта суғорилса ҳосилдорлик 35 фоизга ортиши, яна бир минтақада уруғларга магнит ёрдамида ишлов берилса, физиологик ва биокимёвий жараёнлар тезлашиб, унувчанлик 15 фоизга ортиши аниқланган. Ҳатто, айрим давлатларда шўр ерларни ювишда ҳам магнитдан фойдаланилмоқда. Кўриниб турибдики, суғоришда магнит усулини қўллаш сабзавот ва полиз экинлари парваришида ҳам синовдан ўтказилди.



Суғоришда магнит усулини қўллаш сабзавот ва полиз экинлари парваришида ҳам синовдан ўтказилди.

Суғоришнинг магнит усули истиқболлари ва имкониятлари кенг эканки, ҳали бу борада олимларнинг изланишлари давом этаверади.

Рисолада магнитланган сув ёрдамида экинларни суғориш билан боғлиқ интернет хабарларидан намуналар ҳам ўқувчи ҳукмига ҳавола этилади.

Хабарингиз бор, экинларни суғоришда магнит қўллашнинг афзалликлари хусусида "Қишлоқ ҳаёти" газетасида олимлар ва журналистларнинг туркум мақолалари эълон қилинган. Айниқса, газетамизнинг Андижон вилояти бўйича мухбири, тажрибали журналист Қобилжон Асқаров бу тажриба сир-асрорларию шу усулни қўллаган фермер хўжаликларининг қўлга киритган ютуқлари хусусида қатор мақолалар ёзган. Фермерлар ва зироатчи деҳқонлар учун мўлжалланган ушбу илмий ва оммабоп китобда Қ.Асқаров қаламига мансуб мақолалар ҳам босилган.

Қишлоқ хўжалиги жонкуярларидан бири, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Андижон вилояти бўлими раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Мансур Султонов муҳаррирлигида чоп этилган бу китобда баён этилган илмий қарашлар, тавсиялар соҳа мутахассисларию, жамоатчиликни бефарқ қолдирмайди, деган фикрдамиз.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган вилояти

"Ўзнефтмаҳсулот" компанияси корхоналарида

Ишлаб чиқариш барқарор, маҳсулот рақобатбардош

Киши оғир хасталикка дучор бўлган чоғларда, умидсизликка тушиб, ҳаётдан кўл силтаб юборишга ҳам рози бўлиб кетади. Қани эди бедаво дард хуруж қилиб турган лаҳзаларда унга малҳам бергувчи халоскор топилса? Коп-коронғу зимистон йўлнинг узоқ-узоқларида милтиллаб турган шуъулани кўриб қолсаю, хастадил қалбида умид учқунлари пайдо бўлса?

Поп туманидаги йирик корхоналардан бирининг аҳволи юқорида тасвирланган беморникига ўхшарди. Бир минг уч юз тўққиз нафар киши ишлайдиган "Ўзбекистон томёпқич ашёлари комбинати" очиқ акциядорлик жамияти "оғир дард"га мубтало бўлиб, иқтисодий ночор бир ҳолатга тушиб қолган эди. 2008 йилнинг августида корхона банкрот — касод деб эълон қилинди...

Ночор корхонани соғломлаштириш учун банкротлик тамойили қўлланилгач, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан комбинат негизида "Ўзрубероид" масъулияти чекланган жамият ташкил этилди.

Бундан қирқ уч йил аввал ишга туширилган, томёпқич ва гидротеплоизоляция материаллари ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланган корхона фаолиятини қайтадан тиклаб, ривожлантиришни "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси ўз зимасига олди.

Ҳудудининг ўзи 64 гектарни ташкил этишини кўз ўнгингизга келтирсангиз, корхонанинг нақадар йирик ва иқтисодий аҳамияти катта эканига ишонч ҳосил қиласиз. Картон, рубероид, битумни қайта ишлаш, изол ва базальт толаси ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Бундан ташқари, ўнта ёрдамчи ва хўжалик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Шу кеча-кундузда корхонада бир минг бир юз қирқ икки нафар киши меҳнат қилмоқда.

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси томонидан жалб этилган мутахассислар қисқа ойлардаёқ ишларни жонлантириб юборишди. К-3м русумли картон ишлаб чиқариш, иккита СМ-486Б русумли рубероид ишлаб чиқариш агрегатлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Темир йўл ва тепловоз депоси обдон таъмирланди. Ишчи-ходимлар махсус кийим-бош ва анжомлар билан таъминланди.

Масъулияти чекланган жамият ташкил этилгандан кейин қисқа муддат — етмиш кун ичидаёқ рубероид маҳсулоти ишлаб чиқарила бошланди. Бу воқелик турналар учиб келганидек қувончли хушхабар эди. 2008 йилнинг сўнгги икки ярим ойининг ўзидаёқ 3 миллион 200 минг квадрат метр, 3 миллиард сўмликдан зиёд рубероид ишлаб чиқарилди.

Энг қувончлиси, ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари корхона қайтадан фаолият кўрсата бошлаган кунга нисбатан уч бараварга ортди. Корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг халқаро ISO 9001:2008 тизимини жорий этиш бўйича "Менежмент Консалтинг" компанияси билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

— Корхонамизда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва қўшимча ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида жаҳон стандартларига мос келадиган, рақобатбардош рубероидларнинг янги турларини ўзлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди жамият раиси ўринбосари Ҳошимжон Шералиев. — Ўтган йили 7 миллион 200 минг квадрат метр рубероид ишлаб чиқарилди. Ундан ташқари, ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 511,5 тонна базальт толаси тайёрланди. Изол ишлаб чиқариш режаси ҳам ортиғи билан уддаланиб, 501 минг квадрат метр сифатли маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Корхона бўйича ўтган йил якунларига кўра жами 8 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Энг муҳим масалалардан бири, олтмиш тўртта янги ишчи ўрни яратилди. Бу эса аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўтган йилни корхона 45 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Касодга учраган йирик корхонани оёққа турғазиш баробарида йил иқтисодий фойда билан якунланган экан, демак масъулияти чекланган жамият мутасаддилари ишбилармонлик ва тадбиркорлик намуналарини намоён этишган дея оламиз.

Жорий йил режалари билан танишар эканмиз, корхонада ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, рентабеллик даражасини янада ошириш, маҳаллийлаштириш бўйича зиммадаги вазифаларни тўлиқ бажариш, республикамизда томёпқич материалларга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Ўйлаймизки, "Ўзрубероид" тез орада мамлакатимиздаги иқтисодий ривожи барқарор, нуфузли корхоналардан бирига айланади.

Ўринбой КЕНЖАЕВ

КОРХОНА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТАДИ:

№	Маҳсулот номи	1 рулон баҳоси (сўм)	Техник характеристикаси
1	Рубероид РКП-350	14 240	Рубероид РКП-350 текис ва ясси томларни, ер усти ва ер ости иншоотларини ёпишда ва қувурларни ўрашда ишлатилади. Ўрамнинг юзаси (15±0,5) м²
2	Пластиналар РКП-350	13 670	
3	Пергамин П-350	11 134	Пергамин П-350 қурилишларда, ясси пастки биринчи қатлам учун мўлжалланган.Ўрамнинг юзаси (20±0,5) м²
4	Пластиналар П-350	10 678,92	
5	Изол И-БД	12 500	Изол уланган трубалар гидроизоляцияси, бино, қурилиш иншоот конструкциялари ва шунингдек, ер ости канал ва қувурларни изоляция қилишда ишлатилади. Ўрамнинг юзаси (10±0,5) м² .
6	Ўта юпқа базальт толаларидан тайёрланган мато (кг)	1 500	Матолар иссиқлик, товуш ўтказмайдиган ва товуш ютадиган материаллар тайёрлашда, шунингдек, қурилиш ва саноатнинг бошқа соҳаларида иссиқлик ўтказмайдиган материал сифатида фойдаланилиб, ҳарорати - 50ºС дан + 700ºС гача бўлган юзаларни изоляция қилиш учун ишлатилади. **Экологик тоза маҳсулот.** Целлофан қопларга 10-15 кг. қилиб қопланади.
7	Базальт толаларидан тикилган, икки томонлама металл сетка билан ўралган иссиқлик ўтказмайдиган тўшама мато (м³)	227 885,89	Тўшама мато бино, қурилиш иншоот конструкцияларини ва ишлаб чиқариш анжомларини изоляция қилишда, ҳарорати -180ºС дан + 700 ºС гача бўлган жойларда ишлатилади. Тўшама тури М2, МГС2, металл сетка ва ТКТ маркали шишасимон мато.

Вагон сиғим меъёри:
— 1 800 рулон Рубероид
— 2 700 рулон Изол
— 2400 рулон Пергамин
— 10 000 кг. Базальт толаси
— 116 м³ Тўшама мато

Маҳсулот сотиш бўлими:
(8-369) 433-11-86 (ички 5-47)
(8-591) 350-70-06
(8-369) 433-18-75 факс

ДИККАТ!
"ЎЗРУБЕРОИД" МЧЖ корхоналар ва аҳолидан ишлатилган латта ва қоғоз парчалари сотиб олади.
Мурожаат учун телефонлар: (8-369) 443-11-86; 433-15-05; 433-15-02.

Корхона манзили: Наманган вилояти Поп тумани Исковут — 19-уй.

Қашқадарё вилояти

"СЎҒДИЁНА" ҚУРГАН КОШОНАЛАР

Шаҳрисабз туманидаги "Сўғдиёна" МЧЖ жамоаси ўрта махсус билим масканлари учун ўқув бинолари бунёд этишда ўзига хос тажриба тўплаган. Улар вилоятнинг шаҳар ва туманларида кенг кўламли ишларни амалга оширишмоқда.

— Ислоҳотлар бунёдкорлар иш фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар ясади, — дейди жамият раиси Суҳроб Асқаров. — Замонавий биноларни барпо этишда меъморчиликнинг илғор усуллари қўл келяпти.

Бунёдкорлар тиббиёт масканлари учун ҳам қўшимча бинолар қуриб ишга туширишяпти. Улар кучи билан республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Қарши филиали учун автогараж биноси барпо этилди. Айни пайтда эса қурувчилар Қарши шаҳридаги 2-академик лицей учун ётоқхона қурилишини олиб боряпти. 670 миллион сўмлик ушбу иншоот қурилиши июнь ойида ниҳоясига етказилади. Дарвоқе, ушбу жамоа Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги билим даргоҳлари учун ҳам ҳар бири юз ўринли ётоқхона биносини барпо этишмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Йўлбарс

Қишлоғимиз Нурота тоғининг биқинида жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, бирон жойга бориб қолгудек бўлсак, бизга "тоғликлар" дея эҳтиром кўрсатишади.

Ўшанда қаҳратон қишнинг қоқ чилласи эди. Чамаси бир метр қалинликда қор ёғди. Қишлоғимизнинг эркаклари елкаларига милтиқларини осганча ҳовлимизга йиғилишди. Отам ҳам қўшотарни кўтариб олганди. Ҳар куни аҳвол шу. "Бўри операцияси" режасини тузиб олишгач, иккита-иккита бўлиб тоққа кетишади. Бир ойдан бери кечалари қишлоққа бўри оралаяпти. Кўйни бўрига олдириб қўймаган хонадон қолмади ҳисоб. Ахийри, тоқати тоқ бўлган одамлар "бўри қалин қорда яхши чополмайди, уни тоғнинг ўзида гумдон қиламиз", деган қарорга келганди. Лекин ҳар куни эрталаб дабдаба билан чиқиб кетишади-ю, кеч тушгач "Бўри у ёқда турсин, изини ҳам кўрмадик", дея шумшайиб қайтиб келишади.

Аёллар бало даф бўлиши учун ислар чиқаришди. Нафи бўлмади. Қариялар ими-жимида аллақаердан зотдор тозиларни олиб келишни маслаҳат беришди. Аммо қаттиқ совукда итлар ҳид сезмай қолар экан, бу режа ҳам иш бермади.

Қўшнимиз Янгибой ака кўрасининг эшиги тепасига бўри йўламасин деган ниятда кичкина ғўлачага керосин сингдириб, олов ёқиб қўйган экан, ярим кечаси қўй-эчкиларининг маърашидан уйғониб кетибди. Қараса, кўраси ёнаётган экан. Кўни-қўшниларнинг ёрдамида зўрға оловни ўчирибди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Бир куни ярим кечаси итимиз Йўлбарснинг қаттиқ ҳуришидан уйғониб кетдим.

Дарҳол отамни уйғотдим. Отам деворда осиғлиқ турган қўшотарни олиб, ташқарига отилди. Онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, чопонимни эгнимга илиб, отамнинг орқасидан югурдим. Қўйхонага етай деганимда, отам югуриб чиқиб:

— Пичоқни олиб кел, ўғлим, тез бўл! — дея бақирди. Уйга югуриб кетар эканман, "отам пичоқ билан бўрини ўлдирмоқчимикин", деган фикрга бордим. Пичоқни олиб борганимда, отам учта қўйни ташқарига олиб чиқиб, қаторлаштириб ётқизиб қўйган экан. Иккитасининг бўйни ғажиб ташланган, ҳамма ёғига қон сачраб, чўзилиб ётарди. Биттасининг қорни ёриб ташланган бўлса ҳам, ҳали тирик, зўрға хириллаб нафас оларди. Отам менга "Қарамай тур" деди-да, қўйнинг бўғзига пичоқ тортди.

— Бўри еб кетибдими? — дея сўрадим, буни билиб турган бўлсам-да.

— Бўри бўлмай... — дея ўшқирди жаҳли чиқиб турган отам.

Отамнинг бақирганига эмас, қўйларнинг аҳволига ачинганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди. Отам ҳовуридан тушди. — Кел, яхшиси, сўйилган қўйни ғаллахонага олиб кириб қўяйлик. "Кечаси молни терилашмайди" дейишади. Энди манави иккитаси Йўлбарснинг ризқи бўлди.

Шу пайт хаёлимга лоп этиб, Йўлбарс келди. Ахир, мен уйдан чиқаётганда овози ер-кўкни ларзага солаётганди, кейин негадир жимиб қолди. Югурганча итнинг инига бордим. Йўлбарс йўқ эди! Хаёлимга келган фикрдан қўрқиб, отамни чақирдим.

— Ҳа, нега қичқирасан?

— Йўлбарс йўқ!

— Нима?!

Отам ҳам югуриб келиб ёнверига қарагач:

— Ўғлим, Йўлбарсдан айрилиб қолдик, шекилли, — деди овози бироз ўзгарган оҳангда.

— Нега, ахир, ота, бўри еб кетибдими униям, — дедим ҳиқиллаб. — Қўйни ейишга ебди, Йўлбарсга тегмаса нима қиларди?!

— Йўқ, ўғлим, — деди отам узоқ тин олгач, — Йўлбарс қўйларимизни нобуд қилган бўрини қувиб кетган.

Ажабо! Наҳотки, Йўлбарс бўридан қўрқмаган бўлса? Ахир, кўп итлар бўрининг ҳидини сезиши биланоқ, жим бўлиб қолади, деб эшитгандим. Устига-устак Йўлбарс бўрибосарлар зотидан эмас.

Ўша кечаси "Йўлбарс, албатта, қайтиб келади", деган ишонч билан уйқуга кетдим. Кечаси туш кўрибман, тушимда Йўлбарс мендан бирор егулик умидвордай жавдираб термилиб турганмиш...

Эрталаб отам иккаламиз қўлимизга узун-узун калтак ушлаганча Йўлбарсни излаб, тоғ томонга йўл олдик. Иккита қирни бир амаллаб ошиб ўтганимиздан кейин, узоқда қорайиб нимадир кўзга чалинди.

Етиб бориб, кўзим тушган манзарадан даҳшатга тушдим. Қадрдон итим Йўлбарснинг ҳамма ёғи қон. Ёнидаги сўйлоқ тишли, улкан кулранг бўрининг аҳволи эса ундан-да баттар эди. Иккиси ҳам ўлиб ётарди.

Мен йиғлаганча Йўлбарснинг тепасига бориб, беихтиёр, унинг кўзларига қараб, сесканиб кетдим. Унинг кўзлари ҳалиям худди тириклигидаги каби эди.

— Йиғлама, ўғлим, Йўлбарс шундай йирик бўри билан олишиб, жасорат кўрсатди, — дея таскин берди отам. — Кел, қабр қазиб, уни шу ерга дафн этайлик.

Орадан йиллар ўтди. Улғайдим. Лекин ҳали ҳам Йўлбарсни эслаб тураман.

Айтганча, ўша Йўлбарс билан боғлиқ воқеадан сўнг, қишлоғимизга қайта бўри ораламади.

Ғиёсиддин ЎНАРОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

БОЛА ЧЕКИШГА ЎРГАНСА...

Мактаблардан бири ёнидан ўтиб борарканман, ҳовли четидаги дарахтлар панасида сигарета бурқситаётган 3–4 нафар болага кўзим тушди. Ёнларига бориб: "Хўш, ўғилларим, нима қиляпсизлар?" деган эдим, улардан бири тап тортмасдан "Паровоз машқ қиляпмиз", деб ишшайди, бошқа бирови эса "Ичимизга тортмаяпмиз, шунчаки пуфлаб ўйнаяпмиз", деди.

Маълумки, кейинги йилларда кашандалик дунё миқёсида кенг ёйилиб бормоқда. Катталар-ку катталар-а, унга ёшлар, болалар, қизлар ҳам ружу қўяётгани кишини ташвишга солмай қўймайди.

Тўғри, бизда бу зарарли одатга муккасидан кетган болалар кўп эмас. Лекин уша кашанда болалар ҳам чекишни кимдан ўрганишяпти? Албатта, биз катталардан, аксарият ҳолларда оталари ва акаларидан.

Чекмайдиган ота боласи учун ўрнак бўлса, чекувчи отанинг фарзанди кашандаликка одатдаги табиий ҳол сифатида кўникади. Аввал отаси ташлаган қолдиқларни тутатиб завқланадиган ўспирин бора-бора чекишга ўрганиб қолади.

Бола қанчалик ёшликдан чекишни одат қилса, унинг марказий асаб ва юрак-томир тизими шунча барвақт зарарлана боради. Кашанда бола тинч ухлай олмайди, кўрқоқ ва асабий бўлиб ўсади. Жисмоний жиҳатдан ҳам тенгқурларидан орқада қолади. Қони таркибида кислород камайиб, гемоглобиннинг сигарета тутуни билан қоришуви натижасида танада модда алмашуви бузилади. Булар оқибатида С витамини танқислашади, меҳнат қобилияти пасаяди. Хуллас, кашандалик — кони зарар, умр заволи. Кўплаб касалликлар шу туфайли пайдо бўлади.

Яратганга шукрки, қизларимиз одоб-ахлоқ, шарму ҳаё каби хислатлари ҳамма нарсадан устун қўйишади. Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, баъзи қизлар кашандаликни "замонавийлик" деган хато тушунчалар билан ихтиёр этиш ҳоллари ҳам кузатилаётгани сир эмас.

Чекиш, айниқса, қизлар учун ниҳоятда хатарли одат. Бунинг оқибатида юз ва бадан терилари жилосини йўқотади, барвақт ажинлар "чизади". Чекувчи қизларнинг юзлари заъфарон бўлиб, дугоналарига нисбатан қаримсиқ кўринишади. Тишлари сарғайиб, милклари тортишиб қолади. Иродаси бўшроқлар охир-оқибат гиёҳвандлик, арақхўрлик иллатларига йўлиқишлари, зурриёдларига зарар етиши мумкин.

Фарзандларимизни кашандалик каби зарарли одатдан болаликдан асрашимиз лозим. Катталар ҳам бу иллатдан сақланиши, мубтало бўлганлар эса ундан халос бўлиш учун ўзларида куч ва ирода топишлари керак.

Бахром СУЮНОВ,
Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмаси бош врачи, олий тоифали шифокор.

Тайёрлов курсига марҳамат!

Тошкент Давлат Аграр университети 2010-2011 ўқув йилида республикамизнинг олий ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 2010 йил 1 мартдан бошлаб 5 ойлик пуллик тайёрлов курсига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тингловчилар математика, физика, кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда чет тили фанлари бўйича тест синовларини топширишга тайёрланади.

Тайёрлов курсида ўқиш университетнинг малакали профессор ва ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Тингловчиларнинг ўқиши, овқатланиши, даволаниши ва дам олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш ва ётоқхона учун ойига 70 (етмиш) минг сўм пул нақд ёки маблағ ўтказиш йўли билан тўланади.

Ҳарбий хизматни ўтаб, йўлланма билан келган ёшлар ҳамда "Меҳрибонлик уйлари" битирувчилари бепул ўқитилади ва давлат томонидан берилган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўқиш даврида ўқитилган фанлар бўйича тест синовлари ўтказилади.

Тайёрлов курсини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртларига киришлари учун етарли билимга эга бўладилар.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. Ариза.
2. 3х4 ўлчамли 2 доно фотосурат
3. Аттестат ёки паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар тайёрлов курси биносининг 2-қават 3-хонасида қабул қилинмоқда.

Ўқиш 2010 йил 1 мартдан бошланади.

Мурожаат учун тел.: 260-48-49.

Манзилимиз: 19, 83, 96, 115, 129, 491-автобусларнинг Университет бекати.

Утерянную круглую печать и угловой штамп ООО "SAGA PLUS" (ИНН 206956612), зарегистрированные в Яккасарайском р-не г.Ташкента, считать недействительным. Тел.: 158-77-77.

ДП "AGRIMATCO GENERAL" (код по ОКПО 22716615) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 73 400 долларов США до 26 500 долларов США. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Республика Узбекистан г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Кунаева д.37 кв-ра 1.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимлиги томонидан 04.12.2003 й. "SO'G'DIYONA NUR" МЧЖ номига берилган № 000053-09 сонли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Барча турдаги корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 1-5:

Лот-1: "Андижон вилояти туманларида мелиоратив вертикал дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш (17 дона)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **880 750 593 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати - **6 ой.**

Лот-2: "Андижон вилояти Избоскан туманидаги "Оқтепа ташлама" туманлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **130 825 420 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати - **10 ой.**

Лот-3: "Хоразм вилояти Хива туманидаги "Помидакўл" туманлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **188 489 100 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати - **6 ой.**

Лот-4: "Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги "Зарафшон" коллектори тизимида хўжаликлараро зовурларни реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **946 502 575 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати - **12 ой.**

Лот-5: "Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги "ЦК-9-5" туманлараро коллекторини реконструкция қилиш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи **107 621 994 сўм;** ишларнинг тугалланиш муддати - **6 ой.**

Буюртмачи: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй.

Лойиҳа ишларини молиялаштириш мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — **Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Тошкент вилояти ҳокимлигининг "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонасига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй. 311-308-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати — 120 000 (Бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 20 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уйда ўтказилади.

СПОРТ

Галдаги назорат ўйини: «ПАХТАКОР»—«ТЕРЕК» 2:2

ФУТБОЛ

"Пахтакор" Туркиядаги мавсумолди йиғини дастуридан ўрин олган навбатдаги — учинчи назорат учрашувини ўтказди.

Бу сафар Миодраг Радулович шогирдлари Россия премьер-лигаси вакили, Грозний шаҳрининг "Терек" клубига қарши тўп суришди.

Аввалига "Пахтакор" яккол устунликка эга бўлди ва клубнинг янги ўйинчилари Милорад Януш ҳамда Асқар Жадигеров киритган голлар эвазига 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди.

Ҳар иккала гол киритилган вазиятларда ҳимоячи Илҳом Суюнов фаол ҳаракат қилганини таъкидлаш лозим. Биринчи гол киритилган вазиятда ҳимоячи рақибдан тўпни олиб қўйди ва тезлик билан Одил Аҳмедовга узатди. У эса рақиблардан бирини алдагач, ўнг қанотдан олдинга интилаётган Артур Геворкянга тўпни етказди. Артур жарима майдонига узатган тўпга Милорад Януш ҳаммадан аввал етиб келди ва "Терек" дарвозасини ишғол қилди.

Кейинги вазиятда Суюнов ён чизиқдан тўпни рақиб жарима майдони яқинига йўллади. Бу сафар Асқар Жадигеров бошқалардан чаққонроқ ҳаракат қилди ва ҳисобнинг 2:0 бўлишини таъминлади.

Бироқ "Терек" мағлубиятга эришди. Аргентиналик Эктор Бракамонте дарвозабоннинг хатосидан фойдаланган бўлса, болгариялик Благой Георгиев гол урган вазиятда Станислав Андреев тўпни олдириб қўйган эди. Учрашув шу тариқа дуранг билан якун топди — 2:2.

"Пахтакор" мураббийи Миодраг Радулович учрашувдан сўнг ўз фикрларини билдирар экан, жамоа дастлабки 60 дақиқани жуда яхши ўтказганини, аммо захирадан майдонга тушган футболчилар юқори ўйин суръатини сақлаб тура олмагани ҳамда халқаро ўйинлар ва кучли клубларга қарши баҳсларда бу жиддий муаммога айланиши мумкинлигини айтиб ўтган.

«ПОХАН» ТАРКИБИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Осиё чемпионлар лигасининг амалдаги ғолиби "Похан Стилерс" (Жанубий Корея) трансфер бозоридаги фаоллигини давом эттирмоқда.

Маълумки, ушбу жамоанинг етакчи ҳужумчилари — Денилсон ва Стевица Ристич Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоасига ўтгандан сўнг ҳужум чизиғида бўшлиқ вужудга келган эди. Ҳужумдаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида "Похан" жамоага икки бразилиялик футболчиларни таклиф қилди. Уларнинг биринчиси 27 ёшли Альмир Лопес Да Луна бўлса, иккинчиси "Рома" (Италия) футбол клуби тарбияланувчиси 23 ёшли Алешандро Да Сильва Батистадир.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Тошкент ш. Яккасарой т. рўйхатга олинган "ADESSIT INTEGRA" МЧЖ тугатилади. Даъво ва аризалар бўйича тел.: 250-47-61.

Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ДУК томонидан 11.10.2005 й. Тошкент ш. Юнусобод т. А.Дониш к. 13-мавзе Юнусобод деҳқон бозори 1-айвон 43-сонли дўкон учун Рисолат Худайназарова номига берилган № 2453181031 рақамли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "YAXSHI FOBK" (ИНН 301436871) Зангиатинского р-на Ташкентской обл. сообщает об уменьшении Уставного фонда с 8 451 834 сум до 2 200 000 сум. Тел.: 110-17-28.

ЧП "Karimjonov Maxmudjon Axmadjonovich" (код по ОКПО 23090508, ИНН 301453432), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: ул. Х.Турсункулова 164 д., ликвидируется (приказ учредителя № 1 от 4 февраля 2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 441-23-00.

ЧП "DILRIHS KELAJAK BIZNES" (ИНН 205701194) Юнусабадского р-на г.Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "DILRIHS KELAJAK BIZNES". Претензии принимаются по тел.: 343-44-28.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Рустам Акбаровга волидаи муҳтарамаси

ДИЛОРОМ АЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси жамоаси "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Рустам Акбаровга онаси

ДИЛОРОМ АЯнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Раҳмиберди БЎРИЕВ, Руломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40; Сурхондарё – 392-50-42.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.

(1) - тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ

Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ

Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.45
20030 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5